

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/30.12.2019.Fil.60.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**СОБИРОВА РАЪНО ХАКИМОВНА**

**УЙ-РЎЗҒОР БУЮМЛАРИ ЛЕКСИКАСИ**  
**МИКРОМАЙДОНИНИНГ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК**  
**ТАЛҚИНИ**

**10.00.01 – Ўзбек тили**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Андижон – 2021**

УДК 811.512.133'1

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
филологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on  
philological sciences**

**Собирова Раъно Хакимовна**

Уй-рўзғор буюмлари лексикаси микромайдонинг лингвокультурологик  
талқини ..... 3

**Сабирова Раъно Хакимовна**

Лингвокультурологическая интерпретация микрополя бытовой лексики.....26

**Sobirova Ra`no Khakimovna**

Lingvoculturological interpretation of the microfield of household items  
vocabulary.....52

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

**List of published works.....56**

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/30.12.2019.Fil.60.02 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**СОБИРОВА РАЪНО ХАКИМОВНА**

**УЙ-РЎЗГОР БУЮМЛАРИ ЛЕКСИКАСИ**  
**МИКРОМАЙДОНИНИНГ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК**  
**ТАЛҚИНИ**

**10.00.01 – Ўзбек тили**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Андижон – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/Fil1933 билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([adu.uz](http://adu.uz)) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Шахабитдинова Шохида Хошимовна**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Мирзахидова Муяссар Инамжановна**  
филология фанлари доктори, профессор

**Мадрахимов Илхомжон Собирович**  
филология фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Наманган давлат университети**

Диссертация ҳимояси Андижон давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.60.02 рақамли Илмий кенгашнинг «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 йил соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 170100, Андижон шаҳар, Университет кўчаси 129 уй. Тел: 0(374) 223 88 14; факс: 0(374) 223 88 30 e-mail: [agsu\\_info@edu.uz](mailto:agsu_info@edu.uz).)

Диссертация билан Андижон давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 170100, Андижон шаҳар, Университет кўчаси 129 уй.

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ кунни тарқатилди. (2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Н.М.Улуқов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, филология фанлари доктори,  
профессор

**Ф.Ф.Усманов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, филология фанлари бўйича  
фалсафа доктори

**М.И.Умарходжаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, филология  
фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тилшунослигида тил лексикасини кишилиқ жамиятининг маълум бир томонлари билан боғлиқ тарзда ягона категориал семантика билан бирлаштирадиган лексик-семантик майдонлар шаклида акс эттириш муҳим жиҳат ҳисобланади. Тилшуносликдаги амалий эҳтиёжлардан бири олам лисоний манзарасининг таркибий қисмларини аниқлаш бўлиб, улар лексик ва семантик гуруҳлар (парадигмалар) маълум бир тилнинг маданий ва миллий ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда тузилишини ифодалайди. Лексик-семантик гуруҳлар (ЛСГ) сўзларни жамлашнинг юқори даражали яхлитлиги сифатида воқеликнинг бирор-бир соҳасини акс эттиришда тилнинг сўз бойлигини тизимли равишда бирлаштириш механизмини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Дунё тилшуносларининг марказий муаммоларидан бири бу тилнинг тизимли моҳияти масаласидир. Тилдаги тизимлилик ички муносабатлар билан боғланган элементлар тўпламида ўзини намоён қилади. Сўз бойлигини систем-структур тадқиқ қилиш асосида семантик майдон ёки лексик-семантик гуруҳлаш назарияси шаклланди. Тил бирликларининг систем-структур методлар асосида ўрганила бошланиши негизида майдон назарияси пайдо бўлди ва замонавий тилшуносликда лексик парадигмалар ташкил этишнинг майдон модели фаол ривожланмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий соҳадаги ислоҳотлар самарасини ошириш зарурати бу йўналишдаги ишларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришни талаб қилмоқда. Аташ-номлаш жараёнида борлиқнинг онгдаги миллий тасвири ётар экан, дунёдаги ҳар бир миллатнинг, жумладан, ўзбекларнинг ҳам миллий менталитети ўзига хос тарихий, этник, табиий-иқлимий шарт-шароитлар доирасида шаклланиши боис, унинг уй-рўзғор буюмларига бўлган муносабати ҳам ўзига хос тарзда бўлиши шубҳасиз. Ўзбек халқининг миллий-маданий ўзига хос жиҳатларини тавсифлашда уй-рўзғор буюмларини ифодаловчи миллий-маданий лексикани ўрганишга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги, 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сон “Олий ўқув юртидан кейинги таълимни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг II. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тил бирликларининг систем-структур методлар асосида ўрганила бошлаши негизида тилшуносликда майдон назарияси вужудга келди. Ўзбек тилшунослигида Х.Неъматов, И.Қўчқортоев, А.Нурмонов, Э.Бегматов, Р.Расулов, Т.Мирзақулов, О.Бозоров, Р.Сафарова, Б.Қиличев, М.Нарзиева, Д.Ҳожиева каби қатор тилшуносларнинг илмий тадқиқотларида майдон назарияси муаммолари, ўзбек тили лексикасини семантик майдон сифатида тадқиқ қилиш асослари ўрганилди. Бу борада амалга оширилган илмий тадқиқот ишлари<sup>1</sup> ўзбек тили лексикасини майдон назарияси асосида ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Майдон тушунчаси ва унинг тилшуносликдаги ўрни масаласи А.Собиров ва Ш.Искандарованинг илмий ишларида монографик тарзда тадқиқ қилинди<sup>2</sup>.

Л.Ғафурова “Бытовая лексика современного узбекского языка” (“Ҳозирги ўзбек тили маиший лексикаси”) номли монографиясида ўзбек тили маиший лексикаси тадқиқ қилинган<sup>3</sup>. Ш.Усманованинг “Олтой тилларида муштарак маиший лексика” монографияси ҳам мавзуга қисман алоқадорлиги жиҳатидан эътиборлидир. Мазкур тадқиқотда туркий, мўғул, тунгус-манжур, корейс ва япон тилларидаги уй-рўзғор, кийим-кечак ва безак буюмларига хос сўз бойлиги лексик-семантик, фонетик ва структур-морфологик жиҳатдан ўрганилган. Уй-рўзғор буюмлари лексикаси қисман тадқиқ қилинган<sup>4</sup> бўлса-да, ўтган қисқа давр мобайнида жамият ҳаётидаги маданий-иқтисодий ўзгаришлар, инсоният турмуш даражасининг тез суръатларда тараққий этиши, янгидан-янги жиҳоз ва буюмларнинг пайдо бўлаётгани уй-рўзғор буюмлари лексик таркибини анча кенгайтириб юборди. Шу билан бирга, замонавий тилшуносликка антропоцентрик тамойилларнинг кенг миқёсда кириб келиши асносида лингвистик тадқиқот методларининг янгича усуллари, жумладан, тил бирликларининг лингвокультурологик, этнопсихологик, социолингвистик, прагматик таҳлиллари татбиқ қилина

<sup>1</sup> Қўчқортоев И. Сўз маъноси ва унинг валентлиги. – Тошкент, 1977; Расулов Р. Ўзбек тилида ҳолат феъллари ва уларнинг облигатор валентликлари. – Тошкент, 1989; Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. – Тошкент, 1985; Нарзиева М. Семантическая структура имен существительных возрастной характеристики лица в узбекском языке. АКД. 1992; Мирзақулов Т. Ўзбек тили морфем парадигматикаси ва синтагматикаси масалалари. ДДА. – Тошкент, 1994; Неъматов Х., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. – Тошкент, 1995; Бозоров О. Ўзбек тилида даражаланиш. ДДА. – Тошкент, 1997. ва бошқалар.

<sup>2</sup> Искандарова Ш. Ўзбек тили лексикасини мазмуний майдон асосида ўрганиш. Филол. фанлари докт...автореф. – Тошкент, 1999; Собиров А. Ўзбек тилининг лексик сатҳини системалар системаси тамойили асосида тадқиқ этиш. – Тошкент: Маънавият, 2004.

<sup>3</sup> Ғафурова Л. Бытовая лексика современного узбекского языка: монография. – Ташкент: Фан, 1991.

<sup>4</sup> Усманова Ш. Олтой тилларида муштарак маиший техника. – Тошкент: Фан, 2010.

бошлади. Ана шуларни эътиборга олганда, уй-рўзгор буюмлари лексикаси замонавий талқинини идеографик тарзда тадқиқ қилиш зарурати аён бўлади.

Миллий менталитетимизнинг ўзига хос жиҳатларини тадқиқ қилишда бой манба бўла оладиган уй-рўзгор буюмларининг лингвистик ва лингвокультурологик хусусиятларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан “уй-рўзгор буюмлари” лексикасини бир мазмуний майдон сифатида жамлаш, “лексемаларнинг парадигматик (ички), синтагматик (ташки) ва прагматик (нутқий-услубий) хоссалари”ни<sup>5</sup> тадқиқ қилиш, ўзбек тили сўз бойлиги таркибида тутган ўрнини белгилаш тадқиқотимизнинг асосини ташкил этади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация Андижон давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Тилшуносликнинг замонавий йўналишлари” қисми доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** уй-рўзгор буюмлари лексикасини яхлит бир мазмуний майдон сифатида жамлаш, “лексемаларнинг парадигматик (ички), синтагматик (ташки) ва прагматик (нутқий-услубий) хоссалари”ни тадқиқ қилиш, ўзбек тили сўз бойлиги таркибида тутган ўрнини белгилаш, уларнинг лингвокультурологик хусусиятларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

лексик сатҳ бирликларини тадқиқ қилишнинг методологик асослари ва таснифлаш мезонларини ўрганиш;

уй-рўзгор буюмлари номларида лексик-семантик муносабатларни тадқиқ қилиш ва илмий асослаш;

уй-рўзгор буюмлари лексикаси лингвокультурологик жиҳатларини таҳлил қилиш;

ўзбек тили уй-рўзгор буюмлари ЛСГнинг маъновий гуруҳларини таснифлаш ва шу асосда тадқиқ қилиш;

ўзбек тили уй-рўзгор буюмлари лексикасининг шаклланиш манбалари ва усуллари муаммоларини ўрганиш;

**Тадқиқотнинг объектини** уй-рўзгор буюмлари номлари иштирокидаги турли услубдаги матнлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предмети**ни уй-рўзгор буюмлари лексикаси микромайдонининг ҳозирги замон тилшунослиги асосидаги лингвокультурологик талқини.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда систем-структур таҳлил, зидлаш, таснифлаш, тавсифлаш, лингвокультурологик таҳлил каби методлардан фойдаланилди. Ўрганилаётган лексик бирликларнинг ҳосилавий хусусиятларини таъкидлашда, шунингдек, фразеологик бирликларни тавсифлаш жараёнида тавсифловчи, компонент ва семантик таҳлил усуллари қўлланилди.

---

<sup>5</sup> Собиров А. Ўзбек тилининг лексик сатҳини системалар системаси тамойили асосида тадқиқ этиш. – Тошкент, Маънавият, 2004.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ўзбек тили уй-рўзғор буюмлари лексикасининг тур-жинс, бутун-бўлак муносабатлари ҳамда уларнинг миллий-маданий коннотацияси аниқланган;

ўзбек тили уй-рўзғор буюмлари ЛСГ лексикаси ички манбалар – лексик-семантик, морфологик, композиция, конверсия, синтактик-лексик (лексемалашув), синтактик-морфологик усуллар орқали бойиши далилланган;

ўзбек тилида фразеологизм, ўхшатиш, мақол ва маталларда уй-рўзғор буюмларини ифодаловчи лексемалардан кенг фойдаланилишининг сабаби ушбу халқнинг узок ўтrock турмуши ва турғунликка мослашган эканида экани далилланган;

ўзбек тили уй-рўзғор буюмлари лексикасининг бошқа тилдан ўзлашган таркибида ўзбек-тожик маҳаллий шеваларининг ўзаро кундалик мулоқоти натижасида кириб келгани, арабча ўзлашмалар камлигининг сабаби эса ушбу халқларнинг турмуш бевосита яқин эмаслиги сабабли экани аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларидан семантик майдон назариясини ва сўзларнинг лексик-семантик гуруҳланишлари, ЛСГ доирасидаги лексик-семантик муносабатларни аниқлаш муаммоларини янада ривожлантиришда фойдаланиш мумкин. Ўрганилаётган лексик-семантик гуруҳ (ЛСГ)нинг таркибий-семантик, ҳосилавий ва лингвокультурологик хусусиятларини тизимли таҳлил қилиш борасидаги мавжуд билимларни тўлдиради.

Мазкур тадқиқотда эришилган илмий натижалардан лексикология, когнитив тилшунослик, социолингвистика, лингвокультурологияга доир изланишларда, ўзбек тилининг идеографик луғатини тузишда фойдаланиш мумкин. Тадқиқ этилаётган масаланинг кейинчалик янада чуқурроқ ўрганилиши ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан аҳамиятга эга бўлиб, келгусида лексикология, стилистика, лингвокультурологияга доир илмий тадқиқотлар учун ҳам бевосита материал бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот ишида сарҳисоб қилинган материал ва чиқарилган хулосалар ўзбек тили лексикологияси, семасиологияси ва лингвокультурологиясидаги кейинги тадқиқотларга манба бўла олади. Ишда илгари сурилган ғоялар, назарий қараш ва амалий тавсиялар дарсликлар, монографиялар, ўқув қўлланмалар яратишда ҳамда маъруза матнлари тайёрлашда манба бўла олади. Ишда тўпланган материаллардан олий ўқув юртларининг филология факультетларида “Лексикология”, “Матн таҳлили”, “Таҳлилий ўқиш”, шунингдек, магистратура ихтисосликларида “Систем тилшунослик”, “Лингвокультурология” фанларидан маъруза матнлари тузишда, умумий ўрта таълим мактаблари учун фан ва ўқув дастурлари тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**

Мазкур тадқиқот илмий натижалари ва хулосалари ўзбек тили таълимида матн лингвомаданий таҳлилларига таянган ҳолда ўқувчиларда нутқ маданиятини ривожлантириш уларни маданиятлараро мулоқотга тайёрлашга доир дидактик материаллари ишлаб чиқаришда фойдаланилган.

(Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги республика таълим марказининг 2021 йил 14 апрелдаги 03. 03.424- сонли маълумотномаси). Натижада мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш ўқувчиларда нутқ маданиятини ривожлантириш, хусусан ўқувчиларда лексика бўлимини ўқитиш орқали уй – рўзғор буюмлари лексикаси микромайдонининг лингвокультурологик талқини асосида фаол қўлланиладиган сўзларнинг ўқилиши, ёзилиши ва синонимлари даражаларининг фарқлашга доир кўникмаларни ривожлантиришга муайян даражада хизмат қилади.

Уй-рўзғор буюмлари лексикаси микромайдонининг лингвокультурологик талқини таҳлиliga оид илмий натижаларидан 2021 йилда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Давлат унитар корхонаси “O‘zbekiston” телерадиоканалининг “ Адабий жараён”, “ Жахон адабиёти”, “Таълим ва тараққиёт” эшиттиришларининг сценарийсини ёзишда фойдаланилди ва муаллиф билан суҳбат уюштирилди. Натижада ушбу телекўрсатувлар учун тайёрланган материалларнинг таъсирчанлиги, ранг – баранглиги ортган, мазмунан бойитилган, мукаммаллаштирилган, илмий далилларга бой бўлиши таъминланган. Жумладан, миллий менталитетнинг ўзига хос жихатларини тадқиқ қилишда бой манба бўла оладиган уй – рўзғор буюмларининг лингвистик ва лингвокультурологик хусусиятларини ўрганиш нуқтаи назаридан уй – рўзғор буюмлари лексикасини ўзбек тили суз бойлиги таркибида тутган ўрнини белгилаш ҳақидаги таҳлилий фикрлар ва назарий хулосалардан фойдаланилди.

Мазкур тадқиқот илмий натижалари ва хулосаларидан Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақолпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институти томонидан олиб борилган ФА-А1-Г007 “ Қорақалпоқ нақл-мақоллари лингвистик тадқиқот объекти сифатида “ мавзусидаги илмий-амалий лойиҳаларда фойдаланилди. Натижада лойиҳа илмий далиллар билан бойитилди, хусусан уй – рўзғор буюмлари лексикаси асосида пайдо булган мақоллар, маталлар, иборалар, ўхшатишлар лойиҳа материалларини тўлдиришга имкон берди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** муаммонинг аниқ қўйилганлиги, чиқарилган хулосаларнинг қиёслаш, таснифлаш, тавсифлаш, контекстуал, синхрон-диахрон, лингвокультурологик таҳлил каби усуллар билан асосланганлиги, уй-рўзғор буюмлари лексикасининг систем-структур ва лингвокультурологик хусусиятларини изоҳлашда ишончли назарий манбалардан фойдаланилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган ва маъқулланган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 14 та илмий иш чоп этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп

этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, улардан 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, ишнинг моҳиятини акс эттирувчи уч асосий боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, 132 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ва вазифалари, шунингдек тадқиқотнинг объект ва предмети шакллантирилган, тадқиқот ишининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгиликлар ва тадқиқотнинг амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини жорий қилиш, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Уй-рўзғор буюмлари лексикасининг замонавий тадқиқи”** деб номланган биринчи боби уй-рўзғор буюмлари лексикасини систем-структур тамойиллар нуқтаи назаридан таҳлил қилишнинг назарий масалаларини ўрганишга бағишланган. Бобнинг биринчи параграфи **“Лексик сатҳ бирликларини тадқиқ қилишнинг методологик асослари ва таснифлаш мезонлари”** тадқиқига қаратилган. Тилда инсон омилининг етакчилик моҳияти, умуман, тил ҳақидаги фанда антропоцентрик ёндашувнинг асосий тамойилга айланиши тилшунослик ривожланишининг ҳозирги босқичида сўз бойлиги, умуман, лексик сатҳ масаласи инсон ҳаётида муҳим аҳамиятга эга эканлиги, жамиятдаги барча нарса ва тушунчалар сўз орқали ифодаланиши эътироф этилиб, ҳар жиҳатдан тадқиқ этила бошлади. Тил лексикасини кишилик жамиятининг маълум бир томонлари билан боғлиқ тарзда ягона категориал семантика билан бирлаштирадиган лексик-семантик майдонлар шаклида акс эттириш муҳим жиҳат ҳисобланади.

Ўзбек тилшунослигида Ҳ.Неъматов, И.Қўчқортоев, А.Нурмонов, Э.Бегматов, Р.Расулов, Т.Мирзакулов, О.Бозоров, Р.Сафарова, Б.Қиличев, М.Нарзиева, Д.Ҳожиева каби қатор тилшуносларнинг илмий тадқиқотларида майдон назарияси муаммолари, ўзбек тили лексикасини семантик майдон сифатида тадқиқ қилиш асослари ўрганилди. Ушбу параграфда *семантик майдон (СМ)*, *лексик-семантик гуруҳ (ЛСГ)* тушунчаларига муносабат билдирилди, ўзбек тили лексик-семантик гуруҳларини микромайдон сифатида тадқиқ қилишда туркий тилшуносларнинг лексикани идеографик ўрганиш борасидаги узоқ йиллик анъана ва тажрибалари бебаҳо назарий ва амалий манба бўла олиши асослаб берилди.

Биринчи бобнинг **“Уй-рўзғор буюмлари лексикасининг лингвокультурологик талқини”** деб номланувчи иккинчи параграфи уч қисмдан иборат. **“Уй-рўзғор буюмлари лексикасининг лингвокультурологик асослари”** қисмида лингвокультурология маданиятшунослик ва

тилшунослик оралиғидаги фан бўлиб, тил бирликларида маданиятнинг акс этишини ўрганишига оид назарий тушунчалар тизимлаштирилди.

Тилшуносликда биринчилардан бўлиб В.Гумбольдт тил ва маданиятнинг ўзаро таъсири муаммосини ҳал қилишга уринди. В.Гумбольдтнинг фикрига кўра, “ҳар қандай тилга мурожаат қилиб, миллий характер ҳақида хулоса қилиш мумки”<sup>6</sup>. А.А.Потебня, Э.Сепир, Уорф каби олимларнинг гипотезалари В.Гумбольдт ғоясининг ривожланишига туртки бўлди. Хорижий ва рус тилшунослари, Н.Л.Шамне, М.В.Бухгольц, М.Рижкенс, С.Уайт, Р.Зима, Е.М.Верещагин, С.Г.Тер-Минасова, Л.В.Базарова, В.Г.Костомаров, Н.А. Красавский, М.В. Милованова ва бошқалар, айнан, лисоний бирликлар маъносининг лингвокультурологик хусусиятларини ўрганишга эътибор қаратдилар. Ўзбек тилшунослигида ҳам тил ва маданият муносабати<sup>7</sup> кенг тадқиқ этилмоқда. М.Миртожиев, Н.Махмудовнинг ҳаммуаллифликдаги “Тил ва маданият” китобида биринчи марта тилнинг этномаданий хусусиятларига эътибор қаратилди<sup>8</sup>.

“Аташ-номлаш жараёни асосида борлиқнинг онгдаги миллий тасвири ётади. Миллий тасвир миллий онг, у асосда шаклланган миллий дунёқараш, миллий менталитет асосида ҳосил қилинади”<sup>9</sup>. Шундай экан, дунёдаги ҳар бир миллатнинг, жумладан, ўзбекларнинг ҳам миллий менталитети ўзига хос тарихий, этник табиий-иқлимий шарт-шароитлар доирасида шакллангани боис, унинг уй-рўзғор буюмларига бўлган муносабати ҳам ўзига хос тарзда бўлиши шубҳасиз. Шу жиҳатдан лингвокультурология фалсафа, аксиология ва халқнинг миллий-маданий менталитети билан ўзаро боғлиқ бўлиб, жумладан, уй-рўзғор буюмлари номлари муайян тиллар лисоний оламининг анъанавий қадриятлари ва ўзига хос миллий-маданий хусусиятларини маълум даражада очиб берувчи лексемалардир.

Масалан, **қумғон** - чой қайнатиш учун кўпинча мисдан ясаладиган, ичи қалай билан оқартирилган, кўзача шаклидаги дастали ва қопқоқли идиш; катта чойдиш<sup>10</sup>.

*“Тойир ака қумғонни яна олов томонга итариб қўйди:*

*- Ҳозир дамлаймиз, тақсир, ҳозир.”* (А.Қодирий “Меҳробдан чаён”)

Айтиш мумкинки, **қумғон** сўзи миллий-маданий маънога эга лексик қатламга мансуб бўлиб, бу буюм асрлар давомида халқнинг ўзига хос турмуш тарзининг бир парчаси сифатида ишлатилиб келинади.

<sup>6</sup> Рец И.В. Лингвокультурологические и эколингвистические аспекты неонаминации. Дисс.канд.филол. наук. – Волгоград, 2014. -С. 12-13.

<sup>7</sup> Худойберганава Д. Матннинг антропоцентриқ тадқиқи. – Тошкент: Фан, 2013; Махмудов Н., Худойберганава Д. Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Маънавийат, 2013; Xudoyberganova D. Lingvokulturologiya terminlarining qisqacha izohli lug`ati. – Toshkent: Turon zamin ziyo, 2015; Бахронова Д.К.Антропозооморфизмларнинг семантик ва лингвокультурологик хусусиятлари (ўзбек ва испан тиллари материалида) филол. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2017; Мўминова А. Лингвокультурологиянинг замонавий тилшуносликдаги ўрни хусусида.// [www.journal.fledu.uz](http://www.journal.fledu.uz); Усманов Ф.Ф. Ўзбек тилидаги ўхшатишларнинг лингвомаданий тадқиқи. филол. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс...автореф. – Тошкент, 2020 й.

<sup>8</sup> Миртожиев М., Махмудов Н. Тил ва маданият. – Тошкент, “Ўзбекистон”, 1992 й.

<sup>9</sup> Рустамова Д. Лисоний қиймат ва уни тиклашга доир // Тилшуносликнинг долзарб масалалари: VI. – Тошкент: Академнашр, 2012. 77- б.

<sup>10</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати, 5-жилд, Т., ЎЗМЭ нашриёти, 2008. – Б.378

2-параграфнинг иккинчи қисмида “**Уй-рўзгор буюмлари лексикаси асосида пайдо бўлган кўчма маъноли сўзлар ва турғун бирликлар**” тадқиқ этилган. Ўзбек тилида уй-рўзгор буюмларига оид сўзларнинг контекстда кўчма маънода қўлланиши кўп учрайди.

**Ўз маънода:** *Отнинг калласидай келадиган қулф бир-икки зарбани писанд қилмади.* (П.Қодиров “Юлдузли тунлар”)

**Кўчма маънода (метафора):** *Алишер Навоий қайси ижодий муаммонинг қулфига ўз мўъжизакор қалами билан қўл урса, бу муаммо ечилмай қолмаган.* (П.Қодиров “Тилини мумтозлик даражасига кўтарган сиймо”)

Бу ўринда шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, уй-рўзгор буюмларини номловчи лексемалар аслида нейтрал лексика таркибига кирса ҳам, кўчма маънода қўлланганда, эмоционал-экспрессив бўёқдорликка эга бўлиши мумкин. Масалан, *Супра ёзиб ҳамир қорди* жумласидаги “*супра*” сўзида ҳеч қандай бўёқдорлик йўқ, лекин *Супра қулоқларига зирак ярашмади* жумласидаги сўзда “катта”, “қўпол”, “беўхшов” каби салбий маъно оттенкалари аниқ сезилиб туради.

Шубҳасиз, ҳар бир тилнинг лексик-семантик тизимида объектив воқеликнинг ўзига хос концептуализацияси ва тил ташувчиларининг субъектив дунёси ҳам акс этади. Хусусан, ўзбек миллатига оид ўзига хос хусусиятларни ифодаловчи ибора, ўхшатиш, мақол ва маталларда уй-рўзгор буюмларини ифодаловчи лексемалар ҳам фаол иштирок этиши табиий. Чунки ўзбек менталитети уйим-жойим дейдиган, асосан, ўтроқ ва турғунликка мослашган халқ сифатида уй-жойни шакллантириш, турли жиҳозлар билан таъминлаш, доимий “макон” тушунчасини яратишга қаратилган. Ўзбек тилида халқ турмуш тарзининг бевосита ифодачиси сифатида уй-рўзгор буюмлари иштирок этган фразема ва паремалар ҳам талайгина. Бундай бирликларда халқнинг ментал хусусиятлари яққол намоён бўлади.

**А) мақоллар:** “*Эл оғзига элак тутиб бўлмас*” – сир ошкор бўлганда, миш-миш, ҳар хил гап-сўзларни тўхтатиб бўлмайди. *Тузини ичиб, тузлуғига тупурма.* Бировнинг қилган яхшилигини унутиб, унга ёмонлик қилма.

*Гилям сотсанг, қўшинингга сот* – бир чеккасида ўзинг ўтирасан. – бир иш қилсанг, аввало, яқинларингга манфаат келтир, бир кун ўзингга асқотади.

**Б) маталлар:** “*Қуруқ қошиқ оғиз йиртар*” – фойдасиз гапларнинг кераги йўқ. “*Сичқон сизмас унига, галвир боғлар думига*”, “*Том бошида қўш тандир, чакса кепак уни йўқ*” – имкониятига қарамай, қуруқ дабдабага ўчлик.

**В) иборалар:** “*Пичоғи мой устида*” – омади, келган, даромади мўл-кўл. “*Умрнинг эгови*” – ғам-ташвиш, нохушлик келтирувчи. “*Куракда турмайдиган*” – ҳақоратли, оғизга олиб бўлмайдиган сўз (гап).

**Г) ўхшатишлар:** “*Қоққан қозикдай*” – ноўрин, қаққайиб турмоқ. “*Кўли - косов, сочи - супурги*” – оғир меҳнатга чидаш, фидойилик. Ушбу тил бирликларидаги *супра, эгов, галвир, косов, курак, тандир, қозик* каби уй-рўзгор буюмлари номлари лингвомаданий қийматга эга бўлиб, миллий-

маданий тушунчалар асосида ифодалашга хизмат қилади ҳамда коммуникантлар ўртасидаги ўзаро нуткий таъсир кучини оширади.

Ўзаро ахборот алмашув, маданиятлараро мулоқот имкониятларининг кенгайиши айрим тил бирликларининг тез оммалашшига ёки бир миллатга оид бирликларнинг бошқа халқлар тил ташувчилари учун ҳам тушунарли бўлишига хизмат қилмоқда. Ўзбек кино ижодкорларининг “Абдуллажон” фильмида “гуноҳкорлиги” сабабли раиснинг кетмони учмайди. Фильмда техника асрида ҳам кетмонни асосий иш қуроли деб билладиган содда қишлоқ одамлари орасида “кетмон учиши” ғайритабиий ҳодисаси воқеликка шу қадар сингдириб юборилганки, натижада, кейинги йилларда ўзбеклар орасида *омадсизлик* маъносида “**кетмони учмайди**”, ёки аксинча, *омади келди* маъносида “**кетмони учяпти**”, “**кетмони учадиган бўлиб қолди**” иборалари урфга айланди. Бу ибора ҳатто оммавий ахборот воситаларида ҳам тез-тез учраб турибди. 1. *Киракашларнинг байрам баҳона кетмони учяпти.* (“Хуррият” газетаси) 2. *Футбол ҳеч қачон ўз юлдузларини қизғонмайди, фақат уларнинг порлаши учун қанчадир муддат белгилайди. Салаҳ ҳозир порляпти. Бир сўз билан айтганда, унинг кетмони учяпти!* (<https://championat.asia/news/>)

Уй-рўзғор буюмлари асосидаги ўхшатишларни семантик – функциявий хусусиятларига кўра уч турга ажратдик:

1. Шакл-ҳажмга нисбат берилган: *рапидадай* кафт, *тиёладай* кўз, *супадек* кенг елка, *қутидек* ҳовли, *қошиқдек* ковуш, *қошиқдек* юз, *қопдек* кўйлак, *чўмичдек* бурун, *чойнакдай* анор каби.

2. Белги-хусусиятга нисбат берилган: *ойнадай* ялтирамоқ, *совун* кўпигидай омонат, *ойнадек* силлиқ, *ёстиқдай* қалин китоб, *гиламдай* тўшалган гуллар.

3. Ҳаракат-ҳолатга нисбат берилган: *қозондек* (дошқозондек, қумғондек) қайнамоқ, *халтадай* осилмоқ, *тандирдек* қизимоқ, каби.

Уй-рўзғор буюмларига оид ўхшатишлар гуруҳида синонимия ва энантиосемия ҳодисаларини ҳам кузатиш мумкин.

**Синонимия:** *қозондек қайнамоқ, қумғондек қайнамоқ, дошқозондек қайнамоқ; супрадек жой, бўйрадек жой; саватдек салла, қозондек салла.*

**Энантиосемия** юнон тилида *en* – “ичдаги”, *anti* – “қарама-қарши”, *sema* – “белги” маъносини англатади<sup>11</sup>. Бу “лексик сатҳнинг ўзига хос ҳодисаси бўлиб, бир сўз ёки фразеологизмдаги икки маънонинг зидланишига асосланади”<sup>12</sup>. - *супрадек жой* (кичик) – *супрадек қулоқ* (катта, бесўнақай), *патнисдек дарча* (кичик) – *патнисдек дафтар* (катта).

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек тилидаги уй-рўзғор буюмлари лексикаси асосида шаклланган турғун бирликлар ўзининг ранг-баранг семантик қирралари, экспрессив бўёқдорлиги, ментал хусусиятларни бўрттириб кўрсата олиши билан лексик қатламни янги-янги тушунчалар билан бойитиб келмоқда.

<sup>11</sup> Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – Москва, 1969. – С.526.

<sup>12</sup> Одилов Ё. Ўзбек тилида энантиосемия филология фанлари докторлик дисс... автореф. – Тошкент, 2016. – Б.7.

Иккинчи параграфнинг учинчи қисми “**Болалар фольклорида уй-рўзгор буюмлари номлари**” деб номланади. Тез айтиш, санама, болалар кўшиқлари оғзаки нутқ машқи бўлиб, кичик ёшдаги болаларда маълум товушларни тўғри ва оҳангдор талаффуз қилиш кўникмаларини орттиради, фикрлаш қобилиятларини ўстиради, хотираларини мустаҳкамлайди<sup>13</sup>. Бу жанрларда уй-рўзгор буюмларини келтириш болаларнинг тез илғаб олишлари учун қулай восита сифатида қизиқиш уйғотади, матнни тушуниши ва ўзлаштиришини осонлаштиради.

Таҳлилларимиз шуни кўрсатадики, болалар фольклорида, асосан, уй-рўзгор буюмлари номлари макромайдонининг “*Оишхона жиҳоз ва буюмларини ифодаловчи лексемалар*” лексик-семантик гуруҳига мансуб қозон, декча, чўмич, чойнак, пиёла, элак, сават, офтоба, кели каби сўзлар кўпроқ кузатилди. Уларнинг айримлари ўз маъносида қўлланган бўлса, айримлари ўхшатиш эталони сифатида метафорик маънода қўлланган.

1. *Чучвара қайнайди-я,*

*Қозонда ўйнайди-я.*

*Ўйнаса, ўйнасин-а,*

*Қайнаса, қайнасин-а.*

2. *Қозон эмас, қайнайди,*

*Қишин-ёзин тинмайди.* (Булоқ).

Диссертациянинг иккинчи бобида “**Ўзбек тили уй-рўзгор буюмларининг ЛСГнинг маъновий гуруҳлари таснифи**” масаласи ўрганилган. Бобнинг биринчи параграфида **уй-рўзгор буюмлари ЛСГнинг маъновий гуруҳлари** таснифланган. Кузатишларимиз шуни кўрсатадики, ўзбек тилшунослигида “уй-рўзгор буюмлари” тематик гуруҳига оид лексемалар кам ўрганилган соҳалардан биридир. Хусусан, А.Омонтурдиевнинг “Чорвадор нуткида уй-рўзгор буюмлари номи ва мақоллар эвфемикаси” рисоласида эвфемизмлар таркибида қисман тадқиқ этилган. Мавзу доирасида тадқиқот олиб борган Л.Ғафурова “Бытовая лексика современного узбекского языка” (“Ҳозирги ўзбек тили маиший лексикаси”) номли монографиясида ўзбек тили маиший лексикасини *уй жиҳозлари номлари, оишхона буюмлари номлар, кўрпа-тўшак номлари* каби 12 та лексик-семантик гуруҳ асосида таснифлайди. Шоира Усманованинг “Олтой тилларида муштарак маиший лексика” монографияси ҳам мавзуга қисман алоқадорлиги жиҳатидан эътиборлидир. Мазкур тадқиқотда туркий, мўғул, тунгус-манжур, корейс ва япон тилларидаги уй-рўзгор, кийим-кечак, ва безак буюмларига хос сўз бойлиги лексик-семантик, фонетик ва структур-морфологик жиҳатдан ўрганилган.

Система ичида система тамойилига асосан, ўзбек тилида фаол қўлланадиган уй-рўзгор буюмлари номларини лексик тизимда алоҳида микромайдон (луғавий-маъновий гуруҳ) сифатида белгилаб, таснифлаш

<sup>13</sup> Жумабоев М. Болалар адабиёти ва фольклор. Дарслик. – Тошкент: Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2006. – Б.9.

хусусида юқорида билдирилган фикрларга асосланган ҳолда шартли равишда куйидаги ички гуруҳларга бўлиб ўрганишни маъқул деб топдик:

1. *Уй жиҳозларини ифодаловчи лексемалар.*
2. *Рўзгор юмушларига оид асбоб-анжомларни ифодаловчи лексемалар.*
3. *Ошхона жиҳоз ва буюмларини ифодаловчи лексемалар.*
4. *Болалар учун керакли жиҳоз ва буюмларни ифодаловчи лексемалар.*
5. *Маиший эҳтиёж учун керакли жиҳоз ва буюмларни ифодаловчи лексемалар*
6. *Уй-рўзгор буюмлари қисмларини ифодаловчи лексемалар.*

Бобнинг 2-параграфи “**Уй-рўзгор буюмлари номларида лексик-семантик муносабатлар**” тадқиқига бағишланган. Когнитив тилшуносликнинг етакчи йўналишларидан бири когнитив семантиканинг пайдо бўлиши лексик семантика соҳасидаги тадқиқотлар натижаларига, тилнинг сўз бойлигини тушунчалар асосида тизимлаштириш ва туркумлаштириш имкониятларига янгича назар билан қарашга имкон берди. *Гипонимия, градуномия, партонимия* каби семантик муносабатлар тизими когнитив семантика билан чамбарчас боғлиқдир, чунки лексемаларнинг ўзига хос ички муносабатлари асосидаги билимларни туркумлаш жараёнлари ва бу жараёнларнинг табиий тилнинг сўз бойлигида акс этиши ҳали етарлича ўрганилмаган.

**Парадигматик муносабат.** Бутун лексик тизимга сингиб кетган энг муҳим тизимли муносабат парадигматик муносабатлардир. Бундай муносабат сўзларни семантик гуруҳларга бўлиш учун асос вазифасини бажаради. “Сўзлар орасидаги парадигматик муносабатлар, албатта, воқелик ҳодисалари ўртасида мавжуд бўлган муносабатларга боғлиқ. Сўзларни мавзуй гуруҳга ёки лексик-семантик парадигмага бирлаштирадиган *семантик мавзу* ва сўзларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш имконини берадиган *дифференциал семантик белгиларни* фарқлаш мумкин бўлади”<sup>14</sup>.

Масалан, *кўрпа, тўшак, ёстиқ, стол-стул, сўри, супа, танча, сандал, гилам, палос, наMAT (кигиз), сандиқ* каби сўзларни бир парадигмага бирлаштириш учун умумий белги мавжуд. Ушбу буюмларнинг бари *уйни безатиш ёки уй шароитида ўтириш, ётиш, дам олиш, исиниш, овқатланиш, бирор юмуш билан машғул бўлиш* учун *ишлатиладиган* нарсаларнинг номидир. Бу белги, бир томондан, уларни бир гуруҳга бирлаштириш учун асос бўлса, иккинчи томондан, масалан, “транспорт воситалари” мавзу гуруҳидаги сўзлардан фарқлаш учун дифференциал белги ҳам ҳисобланади.

**Гипонимия** лексемалар ўртасидаги жинс-тур, яъни умумий - хусусий тушунчани ифодаловчи лексемалараро муносабат туридир. Масалан, *идиш* ва *коса* лексемалари гипонимик муносабатда бўлиб, *идиш* нисбатан умумий тушунча, идишнинг бир турини англатаётган *коса* хусусий тушунча. Ушбу боғланишда *идиш* гипероним, *коса* гипонимдир. Гипонимик қаторда *идиш* гипероним, *коса, лаган, товоқ* гипоним саналади. Бир гиперонимга эга

<sup>14</sup> Шмелёв Д.Н. Современный русский язык. Лексика. – Москва: Просвещение. 1977. –С. 189.

гипонимлар бир-бирига нисбатан эквоним дейилади. Масалан, *коса ва лаган* бир-бирига нисбатан эквоним саналади.

**Гипер – гипонимик муносабат:**

1) уй-рўзгор буюмлари ЛСГи;

2) мавзуий гуруҳлар: “уй жиҳозларини ифодаловчи лексемалар”, “рўзгор юмушларига оид асбоб-анжомларни ифодаловчи лексемалар”, “ошхона жиҳоз ва буюмларини ифодаловчи лексемалар”, “болалар учун керакли жиҳоз ва буюмларни ифодаловчи лексемалар”, “маиший жиҳоз ва буюмларни ифодаловчи лексемалар”;

3) уядош сўзлар гуруҳлари: *чай идишлари, овқат идишлари, пичоқ ва қошиқлар, пишириш асбоб ва жиҳозлари, идиш-буюм жавонлари*;

4) уядош сўзлар гуруҳи: *чайнак, пиёла, бокал, стакан, чай қути*;

5) алоҳида лексема: *чайнак*.

**Градуонимия.** Даражаланиш ҳодисаси тадқиқот объекти сифатида ўзбек тилшунослигида 1989 йилда сўзлараро маъновий муносабатларнинг бир кўриниши сифатида талқин этилиб, унга градуонимия ҳодисаси деб ном берилди<sup>15</sup>. «...ўзбек тилшунослигида лисоний маъновий муносабатни акс эттирувчи синонимия, омонимия, антонимия кабиларнинг умумий таркибий қисми бўлган - *онимия* қисмини лотинча *gradu* (“*даража*”, “*босқич*”) сўзи билан бириктириш асосида сунъий равишда ясалди»<sup>16</sup>.


Ўзбек тилшунослигида градуонимия ҳодисаси партонимия, гипонимия каби ёндош тушунчаларга нисбатан анча кенг ўрганилган. Градуонимик муносабат ўзбек тилшунослигида О.Бозоров, Ж.Ш.Жумабоева, Ш.Орифжонова, М.Нарзиева, А.Собировлар томонидан тадқиқ қилинган.

Лексик градуонимия лексемаларнинг даражали муносабатидир: *ип, ипак, чилвир, арғамчи, арқон*. Ясалиш асоси тола бўлган градуонимик қатордаги *ипак→ип→чилвир→арғамчи→арқон* лексемалари ингичкадан йўғонга томон даражаланиб борса, *шолча→намат(кигиз)→палос→гилам* лексемалар қаторида *юқалик / қалинлик* сифатий белгиси жиҳатидан даражаланиш мавжуд.

**Иерархик (поғонали) муносабат.** Тил бирликларининг оддийдан мураккабга томон бирикиб бориши *иерархик муносабатлар* жараёнида юзага келади. Таҳлиллар шундай хулосага олиб келдики, иерархик (поғонали) муносабат оддийдан мураккабга томон борса, гипонимик муносабат юқоридан қуйига ҳаракатланади.

<sup>15</sup> Джумабаева Ж.Ш. Ўзбек ва инглиз тилларида лексик ҳамда стилистик градуонимия. Филол. фанлари доктори дисс...авторреф. - Тошкент, 2016. – Б. 7.

<sup>16</sup> Бегматов Э., Неъматов Ҳ., Расулов Р. Лексик микросистема ва унинг тадқиқ методикаси (систем лексикология тезислари) // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1989. №6 – Б. 37. [цитата Ж.Ш.Жумабоевадан олинди]



**1-расм. Гипонимик муносабат**

**2-расм. Иерархик муносабат**

**Вазифадошлик (функционализм).** Функционимик муносабат ҳақида гап кетганда, сўзларнинг маъно қўчишидаги функциядошлик ҳодисаси билан адаштирмаслик керак. Кўчма маъно ҳосил бўлишида ўхшатиш – қиёс маъноси ифодаланади ва битта лексема икки хил маъно ифодалашга хизмат қилади: масалан, *қушнинг қаноти - самолётнинг қаноти*. Функционимик муносабатда эса бир парадигма доирасида бир-бирига яқин, лекин бошқа-бошқа предметларнинг бир хил функция бажариши назарда тутилади. Масалан, *самолётда келди – поездда келди* каби.

Уй-рўзғор буюмлари лексикасида ҳам функционализм ҳодисаси фаол қўлланади. Масалан, *стул, кресло, курси* буюмларининг ҳар учаласида ҳам “ўтириш учун мўлжалланган” семаси доминанта ҳисобланади. Лекин синонимдан фарқли ўлароқ, айнан бир нарсанинг турлича номланиши эмас. Бу буюмларнинг функционал томони бир хил бўлса ҳам буюм сифатида бир-биридан фарқли. Курси - суянчиқсиз, стул - суянчиқли, лекин креслога нисбатан ихчамроқ ва қаттиқроқ, кресло - кенг, юмшоқ, суяниб ўтиришга мўлжалланган. Ушбу изоҳлардан кўринадики, *kursi* – *stul* – *kreslo* семантик қаторида **функционализм муносабат** билан бирга **градуонимик муносабат** ҳам мавжуд.

**Синонимия.** Шаклан ҳар хил, аммо бир тушунчани турли бўёқлар билан ифодаладиган лексемалар *синоним* дейилади. Синоним лексема орасидаги муносабат синонимия ёки синонимик муносабат деб юритилади. Синоним лексема семемаларидаги аташ ва вазифа семаси айнан бир хил бўлиб, ифода семаси фарқланади<sup>17</sup>. Синонимия муносабати тилда кўп учрайдиган, универсал ҳодиса бўлса-да, у бутун луғат таркибини қоплайдиган категория эмас. Яъни, луғат таркибидаги барча лексемалар ўз синонимларига эга бўлмайди<sup>18</sup>.

Уй-рўзғор буюмлари лексик-семантик гуруҳи таркибида ҳам синонимия ҳодисаси фаоллиги кузатилди: *танча - сандал; қумгон – човғум – чойдиш*;

<sup>17</sup> Сайфуллаева Р.Р. ва бошқ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Ўқув қўлланма. – Тошкент, 2006. – Б. 104.

<sup>18</sup> Ҳақимова М. Семасиология Ўқув қўлланма. – Тошкент, 2008. – Б. 77.

челак - пақир; шамол - вентилятор; аравача - коляска; бешик - гавора ва ҳоказо. Уларнинг айримлари адабий тил ва шевага хос сўзлар ҳисобига шаклланган бўлса, айрим лексемалар ўзлашма сўзлар билан синонимик қаторга бирикади. Масалан, *бешик, ўғир, сандал, нарвон* каби сўзлар адабий тилга мансуб бўлса, *гавора, кели, танча, шоти* каби лексемалар шевага хос, *вентилятор, коляска* лексемалари эса ўзлашма сўзлардир.

Ўзбек тили уй-рўзғор буюмлари лексикасининг партонимик, градуонимик, гипонимик, синонимик, функционимик муносабатларга киришиб, турли парадигмаларга бирика олиши тил имкониятларининг нақадар чексиз ва ранг-баранг эканлигини акс эттира олади.

Диссертациянинг учинчи боби “**Ўзбек тили уй-рўзғор буюмлари лексикасининг шаклланиш манбалари ва усуллари**” деб номланиб, уч параграфдан иборат. Биринчи параграфда **уй-рўзғор буюмлари лексикасининг структуравий характери** хусусида баҳс юритилади.

Тил бирликларининг доимо ўзаро ички ва ташқи муносабатда бўлиши исбот талаб қилинмайдиган аксиомадир. Шу нуқтаи назардан уй-рўзғор буюмлари номлари ҳам ўзига хос лексик-морфологик хусусиятларга эга бўлиб, янги сўзларнинг пайдо бўлишига асос бўла олиши билан ўзбек тили луғат бойлигининг кенгайишига ҳисса қўшиши ҳам кузатилади.

**1. Уй-рўзғор буюмларига оид лексемалар асосида морфемалар қўшиш орқали янги сўзлар ҳосил бўлади:** *тандир+соз→тандирсоз, соат+соз→соатсоз, бўйра+чи→бўйрачи, гилам+дўз→гиламдўз, бешик+чи→бешикчи, бешик+соз→бешиксоз, тароқ+чи→тароқчи* каби.

- **чи** (шахс оти ясовчи): *кетмончи, бешикчи, бўйрачи, самоварчи, тандирчи. Ниҳоят, шанги самоварчи жўмраги учига жез қопланган чойнакни ва бир пиёлани йигитнинг олдига дўқ этиб қўйиб кетди.* (Ойбек “Қутлуғ қон”)

- **соз** (шахс оти ясовчи): *соатсоз, аравасоз, бешиксоз. - Бешиксоз уста бўлиш осон эмас, - дейди Ашраф Аминов. - Бешик ясаш ўзига хос.*

- **дош** (шахс оти ясовчи): *ёстиқдош. “Менинг сирдошгинам, эшит,”—деб ёзади она яна бир мактубида, – йигитман деган бировга совчи қўяркан, ўзига ёстиқдош деб, умрини-умрига боғлар экан, ақлини йиғсин.* (Э.Малик “Онаизор”)

- **лаб** (равиш ясовчи): *қоплаб, аравалаб, челаклаб. У сўзини тугатмасидан осмонда булут тўпланиб, челаклаб ёмғир қуя бошлади.* («Солиҳлар гулшани» китобидан)

- **боп** (сифат ясовчи): *дастурхонбоп, сочиқбоп, ҳамёнбоп. Дастурхонбоп пишириқ, маззаси озгингизда қолади.*(Рекламадан)

- **ла** (фёъл ясовчи): *кетмонламоқ, чопқиламоқ, арқонламоқ, арраламоқ, қайчиламоқ. Отини ариқ бўйига арқонлади.* (Т.Мурод “Ойдинда юрган одамлар”)

**Кўрпаланди** – *ўт кўрпаланди* - ўрилиб олингандан сўнг яна ўт ўсиб чиқди. (*кўрпаланур, кўрпаланмак*) (ДЛТ, III, 217) Ҳозирги нутқимизда бу сўз қўлланилмайди.

**2. Қўшма сўз таркибида иштирок этиб, уй-рўзғор буюмлари лексик-семантик гуруҳидан ташқаридаги сўзларни ҳосил қилади: *ошқозон, тандир сомса, болтаютар* каби.**

Зоологияга оид *болтатумишук, қошиқбурун, курактумишук, болтаютар, болгабош*; ботаникага оид *косабарг, косачабаргли, қайчибарг, қайчиқулоқ, косагул*; анатомияга оид *ошқозон*; астрономияга оид *Олтинқозик*; халқ оғзаки ижодига оид *Очилдастурхон* каби қўшма сўзлар таркибида уй-рўзғор буюмлари номлари мавжуд бўлиб, ўша буюмнинг шакли-шамойили ва функциясига оид белгилари янги сўзнинг ясалишига асос қилиб олинган. Шунингдек, нутқимизда *коса шўрва, кўза шўрва, қозон кабоб, коса дим, тандир сомса, тандир кабоб* каби таом номлари ҳам мавжуд.

*Хумкалла, чилвирсоч(ли), сандиқзада* сўзлари эса белги билдирувчи лексемалардир.

**Сандиқзада** [*арабча + форсча* - сандиқда уринган] Сандиқда кўп ётавериб, асл сифатини, жилосини, пишиқлигини йўқотган (буюм, мато, кийим - кечак ва ҳ.к.). *Бувимнинг хориждан келтирилган кимхоб камзуллари кўп йиллар сақланиб, сандиқзада бўлиб қолибди.* Газетадан. (ЎТИЛ, III, 439)

**3. Маъно кўчиши орқали айрим буюм номлари касб-хунар терминларига айланади.** М.Абдиев “Тил лексик бойлигининг шаклланишида касб-хунар атамаларининг роли” мақоласида семантик йўл билан ҳосил бўлган касб-хунар терминлари таркибида қуйидаги микрогуруҳларни келтиради:

- асбоб-ускуналар номларига хос тушунчаларни ифодаловчи терминлар микрогуруҳи: *тароқгул* (гилам нақши), *харра* (гилам нақши), *чўмич* (гилам нақши), *қулф-калит* (гилам нақши).

- идиш номлари билан боғлиқ тушунчаларни ифодаловчи терминлар микрогуруҳи: *пиёла, гил ваза, карсангул* (жулхирснинг лаганга ўхшаш нақши)<sup>19</sup>.

Учинчи бобнинг иккинчи параграфида “**Уй-рўзғор буюмлари лексикасининг ички манбалари** қуйидаги тасниф асосида тадқиқ қилинган:

**I. Маъно кўчиши (семантик усул ёки лексик-семантик усул).** Бунда кўчим орқали сўз янги маъно касб этади; маъно боғланиши асосида кўчма маънодаги янги сўзлар пайдо бўлади. Уй-рўзғор буюмлари номларида фақат метонимия ва вазифадошлик асосидаги маъно кўчиши кузатилди.

**Метонимия:** *сандал* (сандал дарахти → сандалдан қилинган буюм), *соат* (вақт ўлчови → вақт ўлчовини ҳисоблайдиган буюм) каби.

**Вазифадошлик:** *одамнинг оёғи - стулнинг оёғи, уйнинг эшиги - шкафнинг эшиги* каби. Бу усулда фақат буюм қисмларини ифодаловчи лексик-семантик гуруҳга оид сўзлар кузатилди.

**II. Сўз ясалиши. 1. Грамматик усул.** Янги сўзларнинг ясалишида ҳам морфологик, ҳам синтактик элементлар қатнашгани учун **грамматик усул** деб номладик. “...ясама сўз тилнинг икки системасига мансуб, икки системани

<sup>19</sup> Абдиев М. Тил лексик бойлигининг шаклланишида касб-хунар атамаларининг роли. Ўзбек тилшунослиги: тараққиёт тамйиллари, илмий муаммолар, истиқболдаги вазифалар / ЎзМУ, Республика илмий-амалий анжумани. – Тошкент, 2013. – Б.61-64.

шакллантирувчи тил бирлиги бўлади: 1) луғат системасининг (лексик системанинг) тил бирлиги; 2) сўз ясалиши системасининг тил бирлиги<sup>20</sup>. Биз ҳам, масаланинг, айнан, ана шу жиҳатидан келиб чиқиб, “уй-рўзгор буюмлари лексикаси”га оид сўзларнинг айрим морфологик жиҳатларини ҳам ёритишга қарор қилдик. Чунки, бусиз ўрганилаётган мавзунинг моҳияти тўлиқроқ очилмай қолар эди.

**А. Аффиксация (морфологик) усули.** Уй-рўзгор буюмлари лексикасида қуйидаги аффикслар асосида пайдо бўлган содда ясама сўзлар мавжуд:

-к (-ик), -ак: *элак, тўшак, пўкак*

-қ (-иқ, -уқ), -оқ: *тароқ, ўроқ*

-гич (-ғич, -кич, -қиқ): *сузгич, қирғич, тутқич, оққич, елпигич, тутқиқ*

-ги (-ки, -қи, -ғи, -ғу): *супурғи, чопқи, тутатқи*

-ич: *боғич, чақиқ (чеқиқ)*

-ма: *тортма*

-дон: *сувдон, туздон, мурчдон, гулдон, сурмадон*

-ин: *тиқин*

-гак: *илгак, тиргак*

-моқ: *илмоқ*

-кач: *тахтакач*

-чок: *ёрғучоқ (йарғучақ)* (қўл билан дон майдалайдиган асбоб, қўл тегирмон).

-бон: *соябон*

-дик: *ўриндиқ*

Камунум кўшимчалар: -чик: *ёпинчиқ, суюнчиқ*; -чак: *бела(н)чак*; -луқ: *тузлуқ*

Уй-рўзгор буюмлари номлари таркибида форс-тожик тилидан ўзлашган айрим аффикслар ҳам фаол қўлланади:

- дон (бирор нарса учун махсус бўлган, уни сақлайдиган идишни, ўринни англатади): *галадон* (аслида ғалладон бўлган), *шамдон, сувдон, кулдон, оташдон, туздон*.

- пўш (пўшидан – кийгизмоқ, беркитмоқ, ёпмоқ феълидан): *жойпўш, гаврапўш, гаворапўш* (гавора-форсча бешик) – бешик устига ёпиладиган буюм, ҳозирда *бешик ёпқи* шаклида ҳам қўлланади.

-печ (печидан – ўрамоқ феълидан): *кирпеч, тахмонпеч*<sup>21</sup>.

**Б. Композиция усули. Қўшма, жуфт ва такрорий сўзларнинг ҳосил бўлиши.**

а) қўшма сўзлар: *мистовоқ, ошхўрак белкурак, келисон, бошбоғ, қўлбоғ, оёқбоғ* каби.

б) жуфт сўзлар: *қозон-товоқ, идиш-товоқ, идиш-оёқ, чойнак-пиёла, супра-тахта, кўрна-тўшак*;

<sup>20</sup> Ҳожиев А. Ўзбек тили морфологияси, морфемикаси ва сўз ясалишининг назарий масалалари. – Тошкент: Фан, 2010. – Б. 144.

<sup>21</sup> Маъруф З. Ўзбек тилида от ясовчи суффикслар / Ўзбек тилининг илмий грамматикаси учун материаллар. - Тошкент: Фан, 1941. – Б.113.

в) такрорий сўзлар: *қозон-қозон овқатлар, тандир-тандир нонлар, қоп-қоп унлар*. Бундай такрорий сўзларнинг грамматик моҳияти ўзгариб, атрибутив номинацияга айланади: *тандир* – буюм номи бўлса, *тандир-тандир* – ноннинг миқдорини билдирмоқда. Номларни такрорлаш орқали сифат ҳосил бўляпти: Сўзларнинг бир туркумдан иккинчи туркумга бу тарихқа кўчиб ўтиш ҳодисаси **конверсия** деб номланади.

Қўшма сўзга асос бўлган сўз бирикмаси ҳолатига кўра 3 турга бўлинади:

- **мослашувли бирикма асосида**: *токқайчи* (токнинг қайчиси), *гулқайчи* (гулнинг қайчиси), *қўлбоғ* (*қўлнинг боғи*), *оёқбоғ* (*оёқнинг боғи*) каби.

- **бошқарувли бирикма асосида**: *чангютгич* (*чангни ютгич*) *гўштқиймалагич* (*гўштни қиймалагич*)

- **битишувли бирикма асосида**: *электр чойнак, мистовоқ* (*мис товоқ*)

Қўшма сўзнинг мослашувли ва битишувли бирикма асосида ясалиши синтактик-лексик усул билан, бошқарувли бирикма асосида ясалиши эса синтактик-морфологик усул билан амалга ошади.

Н.Маматовнинг “Ўзбек тилидаги ҳозирги қўшма сўзлар луғати” да<sup>22</sup> 120 дан ортиқ уй-рўзғор буюмлари номлари келтирилган: *атирсовун, ахлатчелак, мойкади, нонидиш, нонпичоқ, сузмахалта, сутсузгич, темирўчоқ* каби.

**Б<sub>1</sub>. Синтактик - лексик усул (лексемалашув усули).** Ўзбек тилида сўзлар ўзаро боғланиб, сўз бирикмасини ҳосил қилади. Кейинчалик бундай бирикмалар тилда қўллана-қўллана семантик, грамматик ва фонетик жиҳатдан бир бутун ҳолга келиб, қўшма сўз ҳосил бўлиши мумкин<sup>23</sup>. Масалан, *мистовоқ* (*мис товоқ*), *кирсовун* (*кир совун*), *йўлсумка* (*йўл сумкаси*), *кийимчўтка* (*кийим чўткаси*), *қозонсочиқ* (*қозоннинг сочиғи*), *совунқути* (*совун қутиси*), *ошпичоқ* (*ош пичоқ*), *ошқошиқ* (*ош қошиқ*), *сополтовоқ* (*сопол товоқ*) каби.

